

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



(ОТМ ректори)

202__ йил“

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

202__ йил “__”

Рўйхатга олинди: №БД-5230100-2.08

202__ йил “__”

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТГА КИРИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод
Таълим йўналиши: 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Фан/модуль коди INTER6	Ўқув йили 2021-2022	Семестр 4	ECTS - Кредитлар 6	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		Хафтадаги дарс соатлари 5	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Иқтисодий сиёсатга кириш	72	108	180
2.	<p align="center">I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси - мунозаралар, фикрлар ва таҳлилларнинг асосий методологик характеристикасини ўргатиш, ушбу фикрларда сиёсатнинг шаклланишида асосий эътибор институционал-ташкилий омилларга, ҳамда сиёсий омилларга боғлиқлигини, улар доимо жамоавий қарор қабул қилиш муносабатини шакллантириш орқали иқтисодий муаммоларни ечиш йўллари топа олиш қобилиятини шакллантириш.</p> <p>Фаннинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий сиёсатнинг асосий тушунчаларини интерпритация қила олиши ва билиш; - мақсадлар, воситалар, сиёсий жараён, иқтисодий сиёсатни баҳолаш; - соҳавий ва инструментал сиёсат, илмий-тадқиқот сиёсати; - иқтисодий динамикани, технологик ўзгаришларни ва илмий-тадқиқот сиёсатининг ўрнини тушуниши; - минтақавий ва маҳаллий сиёсат, сиёсий ривожланиш учун ҳамкорлик, компанияларнинг минтақавий ва ижтимоий ҳамкорлигини ўргатиш. <p align="center">II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)</p> <p align="center">II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар кирди:</p> <p>1-мавзу. Иқтисодиёт, бозор ва иқтисодий сиёсат.</p> <p>Иқтисодиёт ва бозор. Бозордаги муваффақиятсизликлар ва ҳукумат органларининг роли. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизми, унинг фаолият соҳаси. Фаолият соҳасининг чегаралари. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати. Иқтисодий соҳани бошқариш ва тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари ва воситалари. Иқтисодий</p>			

<p>сиёсатнинг типологияси ва концепцияси. Иқтисодий сиёсатга аралашув масштаби. Сиёсий ва иқтисодий стратегия. Иқтисодий сиёсат турларининг классификацияси.</p> <p align="center">2-мавзу. Иқтисодий сиёсат асослари ва таркиби.</p> <p>Иқтисодий сиёсат жараёнини ишлаб чиқишнинг логистик жараёнида мақсадлар/воситалар схемаси. Мақсадлар/воситалар схемаси. Ижтимоий муаммоларни ва куннинг сиёсий янгиликларини аниқлаш. Иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва баҳолаш. Меркантилизм мактаби намёндалари ва физиократ мактаби асосчиси Франсуа Кэненинг иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли ҳақидаги назарий қарашлари. Иқтисодий ривожланишда давлатнинг ўрни ҳақида Англия классик сиёсий иқтисод намёндалари концепцияси. Иқтисодий либерализм, иқтисодий ривожланишда давлатнинг роли муаммолари ва унинг мазмуни. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш усуллари ва шакллари бўйича Кейнс концепциясининг асосий мазмуни. Иқтисодий ривожланишни бошқариш давлатнинг роли ҳақида замонавий назария.</p> <p align="center">3-мавзу. Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда воситалар ва чекловлар.</p> <p>Формал ва ноформал институтлар ҳамда иқтисодий сиёсат соҳасидаги ечимлар. Демократия, сайлаш ҳуқуқи ва сиёсий рақобат. Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ички ва ташқи чекловлар. Иқтисодий сиёсат, воситалар ва бошқарув назарияси.</p> <p>Сайловчилар, сиёсий партиялар ва таклиф этилаётган дастурлар. Парламент ва институционал қайта қуриш. Ҳукумат ва сиёсий-иқтисодий циклнинг ўрни. Консультантлар, активистлар ва тарафдорлар: ахборот ва сиёсий эътиқод.</p> <p align="center">4-мавзу. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва бошқариш-иқтисодиётни тартибга солиш воситаси.</p> <p>Давлат мулки ва тадбиркорлиги. Иқтисодий сиёсатда давлат мулкнинг ўрни ва аҳамияти масаласи. Давлат мулкнинг бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти. Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда таъсири. Давлат тадбиркорлиги ва унинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти. Давлат томонидан хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш механизми. Давлатнинг мулкчилик муносабатларини тартибга солиш сиёсати. Давлат мулкнинг хусусий сектор ривожланишини қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти.</p> <p align="center">5-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш.</p> <p>Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш ва прогнозлаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти. Прогнозлаштиришнинг иқтисодий сиёсатда тутган ўрни. Прогнозлар классификацияси: фаол ва пассив, макроиқтисодий ва микроиқтисодий, узоқ ва ўрта муддатли прогнозлар. Илмий прогнозлаштиришнинг принциплари ва</p>

прогноزلарни ишлаб чиқиш босқичлари, усуллари. Дастурлаш ва режалаштириш давлатнинг иқтисодий бошқаруви функциялари сифатида. Дастурли-мақсадли режалаштириш назариясининг асослари. Иқтисодиётни дастурлаш, прогноллаштириш, режалаштириш воситалари ёрдамида давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.

6-мавзу. Давлатнинг иқтисодиётда хусусий тармоқ ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати.

Хусусий тармоқ ва тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг микроиқтисодий сиёсати. Давлат микроиқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари. Давлатнинг хусусий тармоқ ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг усул ва воситалари. Давлат томонидан ишбилармонлик-бизнес учун амалий кулай шароит ва муҳитнинг туғдириб берилиши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принципнинг жорий этилиши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш учун берилган имтиёз ва преференциялар.

7-мавзу. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш.

Рақобатнинг категориясининг моҳияти ва шакллари. Рақобатлашиш усуллари. Рақобатнинг вазифалари ва унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти. Рақобатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли. Монополия ва унинг вужудга келиш сабаблари. Иқтисодий монополизм ва унинг салбий оқибатлари. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, усуллари. Ривожланган мамлакатларда антимонопол сиёсатни амалга оширилиши тажрибалари. Давлатнинг рақобат сиёсати.

8-мавзу. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишининг истиқболлари.

Минтақавий марказлаштиришдан чиқиш, интеграция ва миллат устидан иқтисодий сиёсат юритилиши. Бошқарув ҳукумати ўртасида мажбуриятларни самарали тақсимлаш ва уларнинг оқибатлари. Минтақаларнинг молиявий ва иқтисодий сиёсати. Миллий ва миллат устидан иқтисодий сиёсат юритишнинг координацияси ва бошқаруви. Иқтисодий ҳудудларни комплекс ривожлантириш. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги фарқлар ва уларни тенглаштириш муаммолари. Ҳудудлараро меҳнат тақсимотини оқилонлаштириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Давлатнинг минтақавий сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.

9-мавзу. Юксалиш, ривожланиш ва иқтисодий сиёсат

Ривожланишга нисбатан иқтисодий ўсиш: турмуш сифати ва экологик чекловлар. Капитализмнинг бумлари, шишишлар ва инқироз.

Сиёсий юксалиш, глобализация ва офшоринг. Мустақкам ривожланиш ва экологик сиёсат. Макроиқтисодий мувозанат ва унинг бозор иқтисодиётида намоён бўлиш шакллари. Давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати. Иқтисодий цикл ва инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари. Иқтисодий инқирозларнинг турлари. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.

10-мавзу. Даромадларни қайта тақсимлаш, бойлик ва иқтисодий сиёсат.

Адолат принциплари ва қайта тақсимлаш сиёсатининг асослари. Умумдавлат шароити эволюцияси ва манбалари. Камбағаллик кўрсаткичлари ва тенгсизлик. Иқтисодий сиёсатда қайта тақсимлашнинг асосий чоралари. Давлат бюджети – давлат молия фондининг асоси ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг муҳим шакли сифатида. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат бюджети ва ЯИМ мутаносиблиги давлат иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида. Давлатнинг бюджет сиёсати. Аҳолининг ижтимоий қатлами, мамлакат ҳудудлари, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида давлат бюджети ресурсларининг тақсимланиши иқтисодиётни давлат бошқаруви кўрсаткичи сифатида. Давлат бюджети ва унинг шаклланиши ва тақсимланишининг хусусиятлари. Давлатнинг пул муомаласини тартибга солиши. Пул эмиссияси ва уни назорат қилиш. Давлатнинг монетар сиёсати ва унинг иқтисодиётни тартибга солишдаги аҳамияти.

11-мавзу. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва давлатнинг ижтимоий сиёсати.

Жамият ижтимоий соҳаси, унинг таркиби ва жамият ривожланишидаги роли. Ижтимоий (социал) сиёсат тушунчасининг мазмуни. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари. Аҳоли турмуш даражасини ошириш самарали ижтимоий сиёсатнинг мақсади эканлиги. Ижтимоий соҳада давлат бошқарувининг шакллари ва улуши. Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасини ўстириш. Кучли ижтимоий сиёсат механизмнинг ва кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Давлатнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларидаги сиёсатининг мақсадлари ва уларни амалга оширишнинг йўналишлари.

12-мавзу. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари.

Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти ва уни таъминлашнинг аҳамияти. Иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари. Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичлари индикаторлари. Давлат томонидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари вазифалари. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари. Ички ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда эришилган натижалар истиқбол йўналишлар. Мамлакатимизда жаҳон

<p>молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари.</p> <p>13-мавзу. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш сиёсати.</p> <p>Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ва уларни тартибга солиш принциплари. Илмий асосга эга бўлган ташқи иқтисодий стратегия ва сиёсат. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва унинг таркибий қисмлари. Давлатнинг ташқи савдо сиёсати. Экспорт сиёсати. Импорт сиёсати. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш механизми. Давлатнинг божхона сиёсати ва унинг мақсади, усуллари. Божхона иши. Бож тўловлари. Демпинг ва антидемпинг, экспорт ва импорт товар оқимларини квоталаш. Лицензиялаш. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи савдо сиёсатини фаоллаштириш йўллари. Мамлакат иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлашда давлатнинг роли ва вазифалари. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш йўллари.</p> <p>III. Амалий машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар</p> <p>Амалий машғулоти учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиёт, бозор ва иқтисодий сиёсат. 2. Иқтисодий сиёсат асослари ва таркиби. 3. Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда воситалар ва чекловлар. 4. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш-иқтисодиётни тартибга солиш воситаси. 5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш. 6. Давлатнинг иқтисодиётда хусусий тармоқ ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати. 7. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш. 8. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишининг истиқболлари. 9. Юксалиш, ривожланиш ва иқтисодий сиёсат 10. Даромадларни қайта тақсимлаш, бойлик ва иқтисодий сиёсат. 11. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва давлатнинг ижтимоий сиёсати. 12. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари. 13. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш сиёсати. <p>Амалий машғулоти мультимедиа курулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулоти фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.</p>
--

<p>IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар</p> <p>Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиёт, бозор ва иқтисодий сиёсат. 2. Иқтисодий сиёсат асослари ва таркиби. 3. Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда воситалар ва чекловлар. 4. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқариш-иқтисодиётни тартибга солиш воситаси. 5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш. 6. Давлатнинг иқтисодиётда хусусий тармоқ ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати. 7. Иқтисодиётда монополизмга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш. 8. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишининг истиқболлари. 9. Юксалиш, ривожланиш ва иқтисодий сиёсат 10. Даромадларни қайта тақсимлаш, бойлик ва иқтисодий сиёсат. 11. Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва давлатнинг ижтимоий сиёсати. 12. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифалари. 13. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш сиёсати. <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан лойиҳа иши, эссе, тезис ёки илмий мақола ёзиш, рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
<p>3. V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари, босқичлари, ўзгариш сабаблари ва оқибатлари; ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг хусусиятлари; иқтисодий қонунлар ва категориялар тўғрисида <i>тасаввур ва билимга эга бўлиши</i>; • иқтисодиёт асосларини; миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини; макроиқтисодий даражадаги вазиятларни; иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш қўнмақаларига эга бўлиши; • иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини билган ҳолда самарали қўллаш; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларнинг (категорияларнинг) амал қилиш хусусиятларини, механизмларини билган ҳолда иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш мақсадига эга бўлиши керак.
<p>4. VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маърузалар; • реал вазиятга асосланган амалий ишларни бажариш; • эссе, тезис ва мақолалар ёзиш; • вазиятли топшириқларни (кейс-стади) ечиш; • жараёни-йўналтирилган таълим;

	<ul style="list-style-type: none"> • муҳокамаларда иштирок этиш; • кичик гуруҳларда ишлаш; • лойиҳа иши бажариш; • мустақил ишларни бажариш; • такдимот тайёрлаш; • турли даражадаги тестларни ечиш; • сўров ўтказиш.
5.	<p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича тест ёки ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Bod, Peter. (2019). Economic Policy Making. An Introduction to Comparative Analysis. 2. Acocella, Nicola & Di Bartolomeo, Giovanni & Hallett, Andrew. (2011). The theory of economic policy: from a theory of control to a theory of conflict (resolutions). 3. Петросян Д.С., Безпалов В.В. Экономическая политика государства. Социальная справедливость в экономических отношениях. Учебное пособие. Москва: Инфра-М, 2016 4. Тупчиенко, В. А. Государственная экономическая политика: учебное пособие / В. А. Тупчиенко. – Москва: Юнити, 2015. – 663 с. <p>Қўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 5. R. Glenn Hubbard, A. Patrick O'Brian. Essentials of Economics. 6th edition. Pearson. New York. 2019. 6. N. Gregory Mankiw. Essentials of Economics. 8th Edition. Cengage Learning; 8. edition (January 1, 2017). ISBN-13: 978-1337091992 7. Economics (Irwin Economics). Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. — 21th edition. 2018. 8. Roger A. Arnold. Economics 13th Edition, Kindle Edition. (2018). ISBN-13: 978-1337617383 9. Лякин А.Н. Экономическая политика. Учебник и практикум. Россия: Юрайт, 2019. 432 стр. 10. Abulkasimov H., Topildiyev S. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: “Iqtisod-moliya”, 2021. 11. Хажиев Б.Д., Мамбетжанов К.К.. Экономическая теория. Учебник. - Т.: «IQTISODIYOT», 2019. - 552. стр. 12. Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – Т.: Barkamol fayz-media, 2017. – 783 bet.

	<p>Ахборот манбаалари 13. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали. 14. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15. www.tradingeconomics.com – экономические показатели</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 202__ йил “__” _____ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202__ йил “__” _____ даги ____ -сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун масъулар: У.В. Ғафуров – ТДИУ “Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор</p>
9.	<p>Тақризчилар: Т.Т. Жўраев – ТМИ, “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (турдош ОТМ) А.В. Вахабов – М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор (турдош ОТМ).</p>